



Хулагу мўғулларнинг яқин шарқ юришини бошлашидан олдин, Багдодни химоя қилаётган юз минг кишилик йирик кўшинлардан ҳадиксираб турган бир пайтда, соткин Ибн Алкакий хийла ишлатади. Вазир мўғуллар ҳужуми ҳавфи сабабли халифани хазинани Багдоддан ташқарига чиқазиб, уни ишончли жойга қўмиб қўйишга кўндиради. Ҳеч нарсадан шубҳа қилмаган халифа бу қалтис ишни амалга оширишга рухсат беради ва вазир 15000лик кўшин билан Багдоддан ташқарига чиқади ва уларни халифаликнинг узок вилоятига жўнатиб юборади ҳамда уларга Багдодга қайтмасликни буюради. Багдодга қайтгач эса, худдики улар умуман мавжуд бўлмагандай, аскарларнинг рўйхати ёзилган қозғаларни шунчаки йўқ қилиб юборади.

Бундай ишни у бир неча марта қилади; ниҳоят, Багдод химоясидаги юз минг аскардан фақатгина ўн мингтаси қолади – қолганлари тарқатиб юборилади, энг аввало сунний – аскарларни шу тарзда йўқ қилади. Ўзининг хийлакор режасини амалга оширгач, Ибн Алкакий Хулағуга бажарган иши ҳақида ҳисобот берувчи мактуб йўллайди ва Хулагу Багдодга ҳужум қилишга қарор қилади ва шаҳар мўғул кўшинларининг зич қуршови остида қолади.

Ва ўша ҳукмдорини ва ислом умматига ҳоинлик қилган вазир саройга қелади ва халифага навбатдаги қалтис қадамни таклиф этади. У Мустаъсимни мўғуллар билан музокаралар ўтказиш лозимлигига кўндиради. Шу билан бирга, халифа жуда қучли ва жуда заиф душманлар ўртасидаги музокаралар ҳеч ҳам тинчлик қелишуви эмас, балки шунчаки сўзсиз таслим бўлиш эканлигини яхши тушунарди. Таслим бўлишнинг эса ўзига яраша қатъий қоидалари мавжуд: енгилган томон қолиб тарафнинг барча шартларига тўлалигича бўйин эгади. Яъни ҳамма нарсаси “Ўтказганларга алам” тамойилига қўра содир бўлади.

Нима бўлганда ҳам, Хулағунинг олдида икки нафар вакилни дастлабки музокаралар учун жўнатишга қарор қилинади. Қутилганидек, халифанинг элчиси Ибн Алкакийнинг ўзи бўлади, унга эса Багдод черковининг насториан патриархи ҳамроҳлик қилади. Қанчалар ажабланишли бўлмасин, Хулагу билан музокараларда мусулмон давлатининг вакили бўлиб унга умуман алоқаси бўлмаган кишилар иштирок этишаётган эди: амалда аббосийлар халифалигини ёмон қўрувчи соткин шиъа ва насроний рухоний. Вазир Хулағунинг қаршисига гўё тинчлик музокараларини ўтказиш учун кетаётганди, аслида эса у бу учрашувга ўзининг шахсий ва Багдоддаги шиъаларнинг ҳавфсизлигига қанолат олиш учун борганди.

Сирли “музокаралар” давомида Хулагу ва ғўёки аббосийлар халифалигининг вакили ўртасида муайян келишувларга эришилганди. Халифанинг “элчилари”га Багдоднинг эгалланишидаги қўмаги учун Багдод мусулмон халифалигидан “озод этилгандан” сўнг, Ироқда ҳукмронлик қиладиган янги Бошқарув кенгашида ўрин олиши ваъда этилганди. Албатта, аббосийлар халифалигининг “вакиллари”, қутилганидай, мўғулларга бу борада ҳар томонлама қўмаклашишга бажонидил рози бўлишди. Қандай қилиб улар рози бўлмасликлари мумкин эди, ахир уларнинг орзулари амалга ошаётгандику – мусулмон халифалигини йикитиш, бундан ташқари, бунинг учун уларни яна мукофот ҳам қутаётганди.

Халифанинг олдида музокара олиб боровчилар мўғулларнинг галати талаби билан қайтиб келишди. Хулагуга Багдодда мўғулларга қарши қайфиятда бўлган ва халқни душманга қаршилиқ қўрсатишга ҳамда муқаддас жиход қилишга чакирувчи кишилар мавжудлиги ҳақида маълумот етиб борганди. Агарда шаҳарда бундай қайфият ҳукм сурса, тинчлик музокараларини барбод этиши мумкин. Шу сабабли мусулмонларнинг ҳукмдори Хулагуга бу ҳаракатнинг раҳбарларини топшириши лозим, шу қаторда халифани жиходга ва қаршилиқ қўрсатишга ундаган Мужоҳиддин Ойбек ва Сулаймоншоҳни ҳам. Халифа мўғулларнинг бу талабига қандай жавоб берганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ, лекин ҳаммага Хулагу ва Ислон душманларининг асл максоди нима эканлиги тушунарли бўлди.

Абу Муслим

"Багдоднинг қулаши" китобидан